



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (13.082)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ САМАРАСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз тараққиёти, мустақиллик йилларида эришилган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар кўлами ва аҳамиятини кўрсатувчи кўплаб мисол ва далиллар келтирилди.

Мамлакатимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни "децил коэффициент" кўрсаткичи барқарор пасайиш тенденциясига эга экани, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиздан 2015 йилда 7,7 фоизгача камайгани таъкидланди.

"Децил коэффициент" халқаро миқёсда тан олинган тамойил бўлиб, жамиятдаги ижтимоий тенглик ва фаровонликни кўрсатади. Уни аниқлашда аҳоли даромадлари, одамларнинг уй-жойлар ва сифатли товарлар билан таъминлангани, яшаш шароити, атроф-муҳит ободлиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш имкониятлари каби муҳим омилларга эътибор қаратилади.

Мутахассислар фикрича, бу коэффициент 5-7 фоиз атрофида бўлиши энг мақбул ҳолатдир. Масалан, Германия, Франция, Австрия каби ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 5-7 фоиз, АҚШда 15, Бразилияда 39 фоизни ташкил этади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиздаги бу кўрсаткич тараққий этган мамлакатлардаги билан деярли бир хил, яъни, жамият фаровонлиги ва осойишталиги учун энг мақбул даражада.

Бугун юртимизда ўзини бой-бадавлат санайдиганларда бор шароитнинг асосийлари оддий одамларда ҳам бор. Мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғига борманг, маржондек тизилган ҳовли-жойлар, мухташам мактабу коллежлар, мўл-кўл дўконларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Хар икки оиланинг бирида шахсий автомобиль. Энг чекка қишлоқдаги уйда ҳам параболдик антенна, компьютеру кондиционер бор.

Бу Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, иқтисодий барқарор ривожланиб, хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши самарасидир. Халқимиз турмуш шароитлари муттасил яхшиланаиб, фуқаролик жамиятининг асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлайдиган қатлам – ўрта синфнинг ортшига хизмат қилмоқда.

Турмуш фаровонлигининг яна бир муҳим омили оила-ларнинг ўз уйига эга бўлишидир. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида назар солсак, наинки кам таъминланган, балки ўрта қатлам вакиллари ҳам шахсий хонадонига эга эмас.

– Бир неча йил Европада яшаб, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ўз бошпананг бўлиши қанчалик катта бойлик, файз-баракат омили эканини тушуниб етдим, – дейди ЎЗА шарҳловчиси Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида яшовчи Хошим Бегматов. – Хорижликларнинг ижарама-

ижара ёки ишона томонидан ажратиладиган уйларида яшаб, кийим-кечагидан бошқа шахсий буюмлари йўқлиги бизни нечоғли таажжублантирса, юртимизда деярли барчанинг шахсий хонадони борлиги уларда бизнинг фаровон турмушимизга бўлган ҳавасни шунчалик орттиради.

Халқимиз фаровон турмушининг кўзгусига айланган қишлоқларимиздаги намунавий уй-жойлар, ёш оилаларга мўлжалланган "Камолот" уйларини барпо этиш кўламининг тобора кенгайиб бораётгани аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилаётган ғамхўрликнинг инъикосидир.

Бугун бозор-ўчар қилиш учун туман марказига бориш шарт эмас. Шундоққина кўча бошига чиқсанг бас, ё бозорчага, ё дўконга кўзинг тушади. Деҳқончилик маҳсулотлари дейсизми, кундалик рўзгор ашёлари дейсизми, хуллас, анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса муҳайё. Энг асосийси, гургут чўпидан тортиб маиший техникаларгача – барчаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотларнинг ақсарият яратувчилари – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари.

Мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 56,7 фоизини шакллантираётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг муттасил ривожланиб боришини таъминлаш асосида янгидан-янги иш ўринлари яратилиши, мактабу университетлар, қишлоқ врачлик пунктлари-ю йирик шифохоналарнинг бунёд этилиши, бозорларимизда тўкинчилик ва барака бўлиши, хонадонларимизнинг наинки кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлар, балки узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан бойишига замин яратмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари халқимиз учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши таъминлабгина қолмай, уларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортшига ҳам хизмат қилаётир.

Тахлилчиларнинг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан олинаётган даромадларнинг ортши фуқаролик жамияти барқарор ва мустақам ривожланишининг муҳим омили бўлган ўрта синфнинг юзага келишини таъминлайди. Мазкур ижтимоий қатлам ижтимоий табақалашув даражасини камайтириш, иқтисодиётда ривожланиш, жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаётимизга, атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга чуқурроқ назар солсак, ҳар бир соҳада улкан ютуқларнинг гувоҳи бўлаемиз. Уларнинг моҳияти, асосини Президентимиз раҳнамолигида инсон учун, унинг бахту саодати учун амалга оширилаётган ислохотлар ташкил этади.

БЕҲЗОД БОЗОРОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда.



Ислам Исмоилов олган сурат

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Буни 2007 йилда ташкил этилган "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дастлаб корхонада бир турдаги тиббиёт ускунаси – хавони зарарсизлантирадиган нурлантириш мосламасини ишлаб чиқаришда атиги тўрт ишчи меҳнат уруғидан бўлса, айни пайтда улар қарийб 50 нафарга етди. Ишчиларнинг аксарияти ёшлардир. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетини талабалари ва Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи ўқувчилари корхонада амалиёт ўташ жараёнида касб сирларини пухта ўрганмоқда.

Корхонада бугун ўлчаш асбоблари, жарроҳлик ва физиотерапия ускуналари, тиббиёт жиҳозлари, бинодаги хавони зарарсизлантирадиган турли ускуналар – жами юздан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти буюртмасига асосан болалар умуртқа касалликлари ва суяк синишини даволаш имконини берадиган мосламалар тайёрлаб берилмоқда. Ўтган йили қиймати 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди. Паст частотали импульс терапияси ва юқори частотали электрожарроҳлик аппаратлари, шунингдек, деворга ўрнатиладиган ҳамда кўчма нурлантириш мосламаси корхона томонидан ишлаб чиқаришда янги маҳсулотлар сирасига қиради.

Кейинги 8 йилда корхона мамлакатимизда ўтказиб келинаётган халқаро ва инновация ярмаркалари, кооперация биржала-

ри ва тиббиёт кўрғазмаларида фаол иштирок этмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда sanoat kooperatsiyasi asosida tayёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Корхона жарроҳлик, физиотерапия ва рентген асбоб-ускуналарини таъмирлаш, текшириш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳам фаолият олиб боради.

2014 йили ўтказилган "Ташаббус" кўриктанловига корхонанинг тиббиёт соҳаси ривожига қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳолалиб, "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинациясида голиб бўлди. Президентимизнинг 2015 йил 26 августдаги фармонида биноан "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти бош директори Отабек Жиянбоев "Шўҳрат" медали билан тақдирланди.

Яқинда корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бу ерда болалар, ошхона ва офис мебеллари, кийим-кечаклар учун купе-шкаф ва кўп секцияли шкафлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, лаборатория столлари ва шкафлар ишлаб чиқариш режалаштириллаётир. Бу яна 20 янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.

И.ДОЛЕНКО

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

КИЧИК БИЗНЕС САЛОҲИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Унга мувофиқ партия депутатлар гуруҳи парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг амалда рўёбга чиқарилиши ва кичик бизнес вакиллари ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга эътибор қаратади. Бунда ҳўжалик субъектла-

ри фаолиятини ва уларнинг банк ҳисобрақамлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиш, уларнинг ҳисобларида маблағ борлиги тўғрисидаги маълумотни асосий талаб қилиш, тадбиркорларни маблағ ажратиш билан боғлиқ хайри ишлари ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилиш каби ҳолатларга чек қўйиш борасидаги чора-тадбирлар қўллаб-қувватланади.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, иқтисодиётда, аввало sanoat ва қишлоқ ҳўжалигидаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хусусий мулк ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш масалалари партия фаолларининг доимий эътиборида бўлади.

С.ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори асосида солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

● Навоийда "Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустақамлаши, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилаётгани таъкидланди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Жиззах вилоятининг Арнасой кўли соҳилида сайёҳлар учун янги дам олиш масканлари – замонавий кемпинглар барпо этилди.

● Фарғона вилоятида балиқчиликка ихтисослашган 238 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Тармоқда самарадорликни янада ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли 2015 йилда вилоятда 35 балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Португалияда бўлиб ўтган Президент сайловларида социал-демократик партиядан номзоди кўрсатилган, ўз вақтида газета бош муҳаррири сиёсий шарҳловчи сифатида фаолият юритган, ҳуқуқ фани профессори унвонига эга Марсело Ребело ди Соуза 52,4 фоиз овоз олган ҳолда ғалаба қозонди.

● Таиланднинг Чайнат марказий музофотида кучли совуқ натижасида етмиш ёшдан ошган бир эркак ва аёл ҳаётдан кўз юмди. Шуниси қизиқки, ушбу мамлакатдаги уй-жойларда иситиш тизимини ўрнатиш кўзда тутилмаган.

● Папуа-Янги Гвинея қирғоқларида 5,8 магнитудали ер силқиниши содир бўлди.

● АҚШга "Жонас" қор бўронининг хуружи туфайли 11 та штатда фавқулодда ҳолат жорий этилди, сўнги маълумотларга кўра, 30 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Буюк Британиядаги миллий лоторея ташкилотчилари лотореяда ўйналган жекпотнинг ярмини – 33 млн.фунт стерлинглик ютуқни ютган чипта эгасини қидирмоқда. Компания ютуқли чипта сотиб олинган Вустер шахрининг 100 мингга яқин аҳолисини чипта эгасини топиш мақсадида хабардор қилди. Агар голиб ютуқни олгани 180 кун давомида келмаса, унда жекпот шу суммага оширилади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Тадбиркорлар учун солиқ ва боғжона соҳасида берилган имтиёз ва преференциялар тадбиркорликни ташкил этишда, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бўш турган ерларнинг тадбиркорларга имтиёзли берилиши ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда кўл келмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни янада ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг янада жадаллашувида муҳим омили бўлмоқда.



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БАРЧА ҚЎЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

Фикримизни бир вақтлар 60 гектарга яқин ерни эгаллаган "Тошкент тўқимачилик комбинати" ОАЖ мисолида давом эттириладиган бўлса, корхона кейинги пайтларда бугунги кун талабига жавоб бера олмай фаолиятини тўтатган эди. Шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари олдида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда бу ерда кичик бизнесни ривожлантириш, ҳудудга тадбиркорларни жалб қилиш вазифаси турарди.

Шу мақсадда 2013 йил 23 декабрда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра "Тошкент тўқимачилик комбинати" ОАЖнинг мол-мулкларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказилиб, мазкур мулкни мажмуадаги ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖ ташкил этилди.

Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар Инвестиция департаментига эса ушбу ҳудуддаги бўш турган майдонларга тадбиркорларни жалб қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Мана, орадан икки йил вақт ўтди. Ўтган йиллар мобайнида ишнинг тўғри ташкил этилгани, фаолиятни йўлга қўйиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугун "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖ ҳудуди тубдан ўзгарди.

— Бу ерга ташриф буюрган ва иш бошлаган тадбиркорлар учун ер ажратиб берилди, электр энергия, сув, газ билан таъминланди, юк олиб кириш ва олиб чиқиш учун темир йўл линиясини ишга туширдик, хавфсизлик масалалари ҳал этилди, — дейди "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖнинг раҳбари Рустам Нуралиев.

Раҳамлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра технопарк ҳудудида 10 та корхона ишлаб турган бўлса, 2016 йил 1 январь ҳолатига келиб улар сони 221 тага етди. Мавжуд корхоналар томонидан 2015 йил

яқунлари бўйича 200 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди.

Технопарк ҳудудидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш йўналиши ҳақида фикр юритганда шуни айтиш жоизки, энг кўп ишлаб чиқариш енгил саноат соҳасига тўғри келади. Мазкур соҳада 56 та ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, шунинг 26 таси тўқимачилик, 27 таси тикувчилик, 3 таси пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда, бу корхоналарда 3745 киши меҳнат билан банд. Шунинг билан бирга кимё саноатида 56 та, озиқ-овқат саноатида 20 та, ёғочни қайта ишлаш саноатида 21 та корхона ва бошқа тармоқларда 50 га яқин кичик бизнес субъектлари иш олиб бораётганлигини айтиш жоиз. "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖ ҳудудини айланар экансиз, ободлаштиришга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўласиз. Мана биз 2015 йил бошида иш бошлаган, тикувчиликка ихтисослашган "SCARLET DIAMOND" МЧЖ корхонасидамиз. Бу ерда замонавий дастгоҳларда тикувчи қизлар меҳр ва иштиёқ билан ўз ишларини бажармоқдалар.

— Технопарк раҳбарияти томонидан биз каби тадбиркорларга кенг шарт-шароитлар яратиб берилаяпти, — дейди корхона раҳбари И.Акмалжонов, — асосан буюртмага ишлаймиз, ҳозир экспорт учун маҳсулот чиқараёмиз. 2016 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, янги иш ўринлари яратиш ниятимиз бор.

— Шу ерда ишлаётганимдан мамнунман, — дейди цех бошқарувчиси Саида Норматова. — Корхонада ишчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Ушбу касб-ҳунар коллежини битирганман, бундан касбим орқали ҳаётда ўз ўрнимни толганимдан хурсандман. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг сифатли ва хари-дорбўп бўлишини таъминлаш асосий мақсадимиз.

Профнастил пластик қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир корхона фаолияти билан танишамиз.

— Асосан корхонада 4 турдаги ҳар хил диаметрдаги қувурлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимизнинг юз фоизи экспорт қилинмоқда. — дейди "ROYAL PLAST" корхонасининг иш юритувчиси Ҳасан Арслан.

— Икки йилдан бери қадоклаш цехида ишлайман, — дейди ишчилардан бири Ирода Зокирова, — соҳани ўзлаштириб олдим, ўзим коллежни битириб келганман, ишимдан мамнунман.

Давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар бугун ўзининг юксак самарасини бераётганини "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖнинг ташкил этилиши мисолида кўриб турибмиз. Ўтган икки йилда шунча ўзгариш — 10 та корхона ёнига 211 та корхона қўшилди, 1,2 минг киши фаолият бошлаган ҳудудда эндиликда 5 минг киши меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, халқ ҳўжалиги учун ҳар хил турдаги маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани қувонарлидир.

— Енимизда қаровсиз яна 6 гектар ер бор, бу майдоннинг ҳам шароитини тўғрилаб, тадбиркорларга бериш масаласини кўриб чиқаямиз. — дейди суҳбатдошимиз "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖ раҳбари Р.Нуралиев, — ҳозир тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Бугунги кунгача, тадбиркорлар учун "Асаба банк"нинг мини банки, бепул юридик хизмат гуруҳи ташкил этилди. Келажакда тиббий хизмат кўрсатиш пунктини ишга тушириш устида иш олиб бораёямиз. Тадбиркорлар томонидан келгуси 10 йилда 88 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти олинган бўлса, шунинг 53 миллиард сўми асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Yakkasaryo Texnopark" МЧЖ ҳудудида тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун давлатимиз томонидан зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ
К.Ўлмасов олган суратлар

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Жорий йилнинг февраль-март ойларида мамлакатимизда мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирув бошланади.

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирув ҳақида белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги, қақирилиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролари мuddатли ҳарбий хизматга қақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида ушбу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ёшлар мuddатли ҳарбий хизматга саралаб олинмоқда.

Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Элмурод Ҳожирахмадовнинг таъкидлашича, мuddатли ҳарбий хизматга қақирилаётган ёшларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, маҳаллалардан зарур маълумотлар тўпланмоқда ва уларнинг оилавий аҳоли ўрганилмоқда. Бу жараёнда мuddатли ҳарбий хизматга ўташга яроқли, яроқсиз ва қақирилиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга ёшлар аниқланмоқда. Тўпланган барча маълумотлар тумандаги жамаи 39 маҳалла бўйича маълумотлар мавжуд бўлган карто-тека ва электрон маълумотлар базасига киритилмоқда.

Айни пайтда қақирилувчи ёшлар тиббий комиссиядан ўтказилмоқда. Текширув жараёнида иштирак этаётган шифокорлар ёшларнинг саломатлиги тобора яхшиланиб бораётганини таъкидлашмоқда. Бу ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш ва ёшларни жисмоний тарбия ҳақида спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш борасида

амалга оширилаётган тизимли ишларнинг ёрқин самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан хизматга қақирилаётган йигитларни икки йўналиш бўйича саралаб олиш ва тест синовидан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саралаш ва тест синовида қақирилувчиларнинг мактаб таълим дастуридаги мажбурий фанлар бўйича билими ва интеллектуал салоҳияти аниқланади. Бундан ташқари, саралаш жараёнида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотидеа ўқиган ва миллий армиямиз сафларида талаб юқори бўлган касбларни эгаллаган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади.

— Отам ҳарбий хизматчи бўлгани боис болалигимдан ўз ҳаётини Ватанимизга хизмат қилишдек шарафли ишга бағишлаган инсонлар билан биргаман, — дейди ЎЗА мухбирига мuddатли ҳарбий хизматга қақирилувчи Ўқтам Ўткиров. — Ҳарбий хизмат ва тест синовларига пухта тайёрландим. Спорт билан шуғулланиб, радиотехника ва электр приборларини таъмирлаш курсларини тамомладим. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни астойдил хоҳлайман. Чунки, армия инсонга бебаҳо билим ва тажриба бериб, инсоннинг ўз кучига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда мuddатли ҳарбий хизматга танлаб олиш бўйича яратилган самарали тизим Куролли Кучларимизни жисмонан соғлом, билимли ва салоҳиятли йигитлар билан тўлдириб ҳақиқат миллий армиямизнинг мудофаа қобилиятини янада ошириш имконини бераётди.

Роман БОНДАРЧУК

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЁШЛАР СИЁСАТИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг қабул қилинаётган қонун ҳужжат-

ларидан ўз вақтида хабардор бўлиши, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада партия томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётди. Партиянинг "Фикр — гоё — ҳаракат", "Ватан келажиги — ёшлар қўлида", "Конституция — адолат мезони", "Бирликда юксак ҳуқуқий маданият сари", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият" каби ўндан зиёд лойиҳалари асосида ёшларнинг қизиқиши, манфаатлари ва интилишларига катта эътибор қаратилаётди.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

Диққат, янгилик!

АКЦИЗ СОЛИФИ ТўЛОВЛАРИ БўЙИЧА ўЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 238, 239, ва 240-моддаларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим қилиш ва тўлаш ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилиши белгиланди.

Шунга мувофиқ, жорий солиқ даври учун акциз тўланадиган товарларни ре-

ализация қилишнинг таҳмин қилинаётган ҳажми ҳамда акциз солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғининг суммаси ҳақида маълумотномани тақдим этиш ва жорий тўловларни тўлаш беркор қилинди.

Наргиза ЭРКИНОВА,
Тошкент шаҳар ДСБ
Ахборот хизмати ходими

Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КўРИҚДАН ўТКАЗИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатига илова "Учтепа туманида мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш иш режаси"га асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага: техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

3. Шахсларга техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

4. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

5. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

6. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

7. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

8. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

9. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

10. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

11. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

12. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

13. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

14. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

15. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

16. Техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ инспектори сони кўпаймоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

2016 йил 13 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Учтепа тумани ҳокими
А.Досмухамедов



ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Чунончи, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳрида ҳар йили икки босқичдан иборат "Тоза ҳаво" тадбири ташкил этилиб, унда шахсий ва давлат секторидagi автотранспорт воситаларининг экологик ҳолати текширилиб, камчиликлар бартараф қилинади. "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи 10 апрелдан 10 майга қадар ўтказилиб, унинг якуни бўйича жами 15082 дона автотранспортларда ис гази ва тутун қалинликларини ўлчида, назорат ишлари амалга оширилди.

Тадбирнинг иккинчи босқичи 10 сентябрдан 10 октябргача бўлиб ўтди. Текширувлар жараёнида умумий 13572 та автотранспортлар кўриқдан ўтказилди. Шулдан 971 та автотранспорт воситалари ёки 7,15 фоизи атмосфера ҳавосига зарарли моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқча ташлаганини аниқланди.

Атмосфера ҳавосига ташланган зарарли ифлослантирувчи моддаларни камайтириш мақсадида ҳисобот даврида 847 та автотранспорт воситалари газ ёқилгисига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил сентябрдаги "Ресурсини ўтаб бўлган, таркибидида симоб моддаси бўлган лампаларни йиғиш ва зарарсизлантириш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида таркибидида симоб моддаси мавжуд ишлатиб бўлинган люминесцент лампаларни зарарсизлантириш борасида 2 та корхона, яъни "АСП СЕЛТА" МЧЖ ва "НЕОСАНЛАЙТ" МЧЖ ҚКлар фаолият юритиб келмоқда. 2015 йилда жами 257 463 дона таркибидида симоб моддаси бўлган ишдан чиққан люминесцент лампалар ушбу корхоналар томонидан зарарсизлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сонли "Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2015 йилда жами корхоналарда чикиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилиши тўғрисидаги

Ўтган 2015 йилда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан турли йўналишлар бўйича режали асосда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Уларнинг барчаси шаҳар табиий муҳити ҳолатини яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларига қаратилган.

экологик норматив ҳужжатларига 314 та экологик экспертиза хулосалари берилди. Шунингдек, ҳисобот даврида чикиндиларни жойлаштирилганлик учун 2 388 та корхоналарга

105 106,9 минг сўм компенсация тўловлари ҳисобланди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 91-моддасига мувофиқ, санаят, рўзгор чикиндилари ва ўзга чикиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун 190 нафар фуқароларга 8 197,115 минг сўм, мансабдор шахслар учун 463 та маъмурий баённомалар тузилиб, 48 966 минг сўм миқдорда жарима солиниб, тўлалигича ундирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 471-сонли қарорига асосан Чирчиқ дарёсидида сув-

коллекторларнинг белгиланган манзилларидан 420 та намуналар олинди, 7053 та кимёвий таҳлиллар қилинди. Очик сув ҳавзаларига ишлаб чиқаришдан ҳосил бўладиган оқава сувларни ташлайдиган 6 та корхоналардан ҳам намуналар олинди, кимёвий таҳлиллар бажарилди.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори талабига кўра табиатдан фойдаланувчилар томонидан берилган мурожаатларга кўра жойига чиқиб дов-даракларнинг ҳолати ўрганилиб, маҳаллий ҳокимликларга 1578 та хулосалар киритилди. Мазкур қарор талабига кўра ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланганлик учун 2015 йилда 731,7 млн.сўм ундирилди. Ноконуний равишда табиатдан фойдаланганлик учун йил бошидан бери 168 та ҳолат бўйича 23,680 млн.сўмлик жарима солиниб ва ўсимлик дунёсига етказилган 58,504 млн.сўмлик моддий зарар ундирилди.

Ноъанавий ресурсларни ҳамда муқобил энергия манбаларини жорий этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди ҳамда.

Чунончи, Кўёш ёрдамида сувни иситиш мосламасини ўрнатиш лойиҳаси тақдим этилган бўлиб, лойиҳа қиймати 2,5 минг АҚШ долларини ташкил этади ҳамда ушбу қурилмани 2016 йилда "GM UZBEKISTAN" қўшма корхонаси ҳудудида ўрнатиш режалаштирилган.

Бунга асосий сабаб, ҳозирги кунда "GM UZBEKISTAN" қўшма корхонасида 3000 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар фаолият юритади, ҳар кун якуни бўйича ҳодимларнинг санитария-гигиенага риоя қилишлари учун доимий иссиқ сув ишлатилади.

Иссиқ сув ҳозирги кунда корхонада табиий газда ишлашга мўлжалланган қозонлар орқали олинади. Ушбу лойиҳа натижасида атмосфера ҳавосига углеводородлар ташланганининг олди олинади.

Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида фотозлектр станцияларини ўрнатиш қўмитанинг 2015-2016 йиллар режасига киритилган. Чунки, мазкур истироҳат боғи жуда кўп тунги чироқлар ва аттракционлар билан жиҳозланганки, ҳаммаси электр энергиясида ишлашга мўлжалланган.

Ушбу фотозлектр қурилмаларини ўрнатиш натижасида истироҳат боғи ҳудудида тунги чироқларни кўёш энергияси орқали ёритиш имконияти юзага келади.

Қўмита томонидан юқоридаги ва бошқа йўналишлар бўйича режали ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Шомурод МУХАМЕДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

ни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқбўйи полосаси белгиланган ва муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар мақоми берилган. Чирчиқ дарёси, Шокир ариқ, Бўзсув, Бўрижар, Қорасув, Салар ва Анҳор каналларида 69 та рейдлар ўтказилган бўлиб, 2015 йилда 54 та қонунбузарлик аниқланиб, 54 нафар фуқарога нисбатан 2133000 сўм миқдоридagi маъмурий жарима чоралари белгиланди. Бундан ташқари Чирчиқ дарёсидида рейд ўтказиш натижасида, Сергели тумани жанубий санаят ҳудудида жойлашган "Тошкент труба заводи" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг жанубидан 150 метр масофада Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида санаят, рўзгор ва ўзга чикиндилар жойлаштирилганлиги аниқланди. Юқоридаги ҳолатни бартараф қилиш мақсадида тегишли чоралар қўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 октябрдаги 292-сонли "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторингини дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 2015 йил давомида АНИИ томонидан мониторинг ўтказилиб, атмосфера ҳавосига ташланган ифлослантирувчи моддалар бўйича 15 та корхоналарда инструментал ўлчувлар амалга оширилди.

Ўлчувлар натижасида 828 та манбалардан 2596 та таҳлиллар бажарилди.

Сув сектори бўйича 5 та очик сув ҳавзалари — Чирчиқ дарёси, Бўзсув, Салар, Қорасув каналлари ва Қорақамчи

СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон талаблари доирасида олиб боришда қонуний ҳужжатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортиқ қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Экологик қонунчиликнинг мақсади инсонларнинг саломатлиги, меҳнат ва маиший шароитлари тўғрисида гамхўрлик қилиш ҳисобланади.

Экологик қонунчилик бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Конституциямизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида берилган. Хусусан Бош Қомусимизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", дея мустаҳкамланган. Ушбу талабга кўра Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тўла амал қилиши шартдир.

Асосий Қонуннинг 54-моддасига кўра жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонунчилирига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулкдорнинг ўз хоҳишига мулкка эгаллик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги керак.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Умумий бўлиб табиий ресурсларни Ўзбекистон Конституциялари тарихида биринчи бор қўлланилган бўлиб, у барча турдаги мулк шаклини инобатга олади. Эндилкида миллий бойлик бўлган барча табиий захиралардан самарадорлик билан фойдаланиш мамлакатимиз ривожининг заминидир. Шунинг учун ҳам у давлат муҳофазасига олинади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади. Шунингдек, илмий-техник тараққиёт ва унинг билан боғлиқ табиий муҳитнинг бузилиши, муҳофазани кучайтириш, ало-

ҳида ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиш учун "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Мавжуд қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларига катта ўрин берилган.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мақсадиди инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг кулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир" деб таъкидланади.


Қонуннинг 12-моддасига биноан "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлодининг саломатлиги учун кулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга".

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлаштириб, атроф табиий муҳитнинг аҳоли ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Захарли чикиндиларни ташлаш натижасида экинларни, балиқларни ноубуд қилиш, табиий объектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда товон пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, яъни, кам чиқитиш технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун рағбатлантириш кўзда тутилган.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи



Ислам Исмаилов олган сурат

ШАРТ-ШАРОИТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, инсон яшаш учун курашда, табиатнинг барча инжиқликларини енгишга, мослашишга интилади. Ҳар бир инсон ўзининг идроки, мушоҳадаси билан табиат неъматларидан фойдаланади, қуради, бунёд этади.

Масалан, инсон яшаш учун иморат қурадиган бўлса, қуриладиган жойлардаги гиёҳлар, дараклар йўқотилиб, замин тайёрланади, бир вақтлар гулу дарахтларга бой бўлган замин инсон истиқомат қиладиган масканга айланади. Шундан кўриниб турибдики, одамлар ўзлари учун истиқомат жойлари барпо этар эканлар, табиатда қандайдир ўзгариш содир бўлади. Инсон қуришчи материалли сифатида табиий ўрмонларни керагига кесади, демак ўсимлик дунёси қисқаради, атмосфера ҳавосининг мусафо бўлишига раҳна солинади, тупроқ эрозияга учрайди, ер ости сувлари камайиб боради. Табиатга нисбатан кўр кўрона ёндашиш, унинг бебаҳо неъматларидан, эксонларидан аёвсиз фойдаланиш оғир асоратлар қолдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган. Демак, табиатни муҳофаза қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сиёсатнинг асосига айланиши лозим. Чунки ушбу муаммонинг ортида бутун мустақил давлатимиз, миллатнинг тақдири ётибти.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан мақсад: — инсон саломатлиги, экологик мувозанатни сақлаш учун, мустақил Республикаимизни самарали ва барқарор ижтимоий иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш мақсадида кулай шарт-шароитлар яратиш; — ҳоли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш; — экологик тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектларининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

— экологик хавфсизликни таъминлаш; — табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш ва келгуси авлодга зарар етказмасдан қолдиришдир.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар, корхона, муассасалар, ширкатлар, шунингдек, айрим хусусий ҳўжаликлар ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:

- инсониятнинг яшаш муҳити бўлган биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш. Одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида гамхўрлик қилиш;
- фуқароларнинг ҳаёт учун кулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини жорий этиш;
- жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;
- ҳар бир лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган объектларда экологик экспертиза ўтказишнинг мажбуриятлиги;
- табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;
- табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларни келиб чиқишига йўл қўймашлик;
- табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилишда ошкоралик;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш қонун талабларини бузганлиги учун жавобгарлик каби масалаларга жиддий муносабатда бўлишдан иборат.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири

ТАБИЙ ЗАҲИРАЛАР УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Шу боис, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Шунингдек, Бош Қонунимизнинг 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқий меъёрлар мазмуни оддий ва тушунарли бўлиши билан бирга кенг қамровли ҳамда кўп қиррали дейишимиз мумкин. Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш халқимиз тийнатишга хос ҳамда унинг илдизлари миллий кадрларимиздан озик олади. Инсоннинг экологик муҳитга эҳтиёткорона муносабатини унинг ўз бешигини асраб-авайлашга қийлаш мумкин. Бу эса, табиатни забот этиш ва бўйсундириш каби хато ёндашувлардан тубдан фарқ қилади. Зеро, инсоният ҳаёти она табиат билан ҳамнафас ва уйғунликда яшаш орқалигина бардавом бўлиши мумкинлиги бугунги дунёда инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Бу борада миллий қонунчилигимизда ҳам тегишли тартиблар белгилаб қўйилган.

Хусусан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда атроф-муҳитни ифлослантирилганлик учун компенсация тўловлари тўлашни алоҳида моддада кўрсатиб ўтилган. Мазкур Қонунга кўра, атроф муҳитни ифлослантирилганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланади. Ушбу тўловлар юридик шахснинг даромадидан ундирилади ҳамда табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига тушади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чикиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чикиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар, шунингдек, шахслар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал каналлаш тarmoқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи тадбиркорлик субъектлари компенсация тўловларини тўлашлари лозим. Компенсация тўловлари суммаси унинг тасдиқланган миқдори ва табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан белгиланган ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чикиндиларни жойлаштиришнинг нормативлари асосида тўловчилар томонидан Низомда белгилаб берилган формула бўйича мустақил ҳисоблаб чиқилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни атроф муҳитни ифлослантирилганлик учун компенсация тўловларини тўлаш юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарининг ўрнини қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Яқинда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган болалар расмлари кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда "Chinor ENK" экологик-ноширлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўрик-танловда қадрдон шахримиз экологиясининг болалар нигоҳида қандай акс этиши ифодаланди. Танловнинг мақсади — ўсиб келаётган ёш авлодини табиат билан уйғунлигини таъминлаш, экологик муаммоларга оқилона ёндашиш ва уларга муносиб ечим топа олиш тўйгуларини такомиллаштиришдан иборат.

Расмлар кўриги қизикарлилиги ва долзарблиги билан болаларни ўзига жалб қилди. Тасвирий санъат билан жиддий шуғулланаётган 14 ёшгача бўлган болалар ўз ишларидан намуналар тақдим этдилар. Танловга 150 дан зиёд ишлар топширилди. Бундан кўринадики, шахримиз болалари экологик муаммоларга бефарқ эмас. Бу улар чизган суратларда ҳам яққол ўз ифодасини топган. Танлов шартларига кўра, сурат исталган жанрда ва расмочилик йўналишида (компьютер графикаси бундан мустасно) тайёрланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ижодкорлик даражаси ҳам чекланмаган.

Ҳайъат аъзоларига ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Бунинг учун 5 ёшдан 10 ёшгача ва 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар гуруҳлари ўртасида, жами 6 та совринчи ўрин белгиланди. Шунингдек, яна 30 нафар қатнашчи танловда фол иштироки учун тадбир ташкилчилари томонидан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Кўрик-танловнинг қолган иштирокчиларига 2016 йил учун махсус тақвим ва эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу йўналишдаги тадбирларни ташкил этиш болаларда нафақат атроф табиий муҳитга оқилона муносабатда бўлиш тўйгулини шакллантиради, қолаверса, улар томонидан қилинган ҳар бир ижобий ҳаракатнинг эътибордан четда қолмаслигини хис қилишга имкон яратди. Зеро, болалик — инсон умрининг энг ёрқин, умутлилас лаҳзаларини ўзида муҷассам этган даврдир. Боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати, шундай пайтада қўрган-кечирганлари маълум маънода келажакда қандай шахс бўлиб этишидини белгилайди.

Маълумки, ҳар бир боланинг ўз дунёқараши бор. Барча болалар дунёда эгулик ва ҳамжихатлик ҳўқирин бўлишини истаيدди. Шунинг учун ҳам улар суратларда Ватанга бўлган муҳаббатларини акс эттирдилар. Болалар жонлар ижодига қараб туриб, шу нарсага амин бўлдики, улар чўқур фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиб, биз катталар кўра олмаган нарсаларни назардан четда қолдирмайдилар. Болаларнинг илк даврларданқоқ экологик муаммоларга бефарқлик билан қараш, табиатга нисбатан нооқилона муносабатда бўлиш тўйфули қандай салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини ҳамда Она табиатимиз жиддий ҳаф остида қолганлигини аниглаб етишлари "Қадрдон шахрим экологияси" болалар кўрик-танловининг олдига қўйган бош мақсади-дир. Зеро, табиатни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, шундангина инсоният табиат билан уйғунликда мароқли ва мазмунили умр кечиради.

(Ўз муҳбиримиз)



Спорт янгиликлари

Республика олимпия захиралари теннис мактабида болалар ўртасида анъанавий турнир бошланди.

МАҲОРАТЛАРИ ЯНАДА ОШАДИ

Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг маҳоратини ошириш, профессионал теннисда ўз ўрнини топишида муҳим ўрин тутмоқда.

Шин, Сардор Эргашев, Азиз Дадабоев, Иброҳим Ўринов, Элина Шарипова, Татьяна Игнасенко, Виолетта Алексеева, Гулфина Халимулина, Нарине Сархисьян каби теннисчилар биринчи даврдан муваффақиятли ўтди.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

ЭШКАК ЭШУВЧИЛАРИМИЗ ПОРТУГАЛИЯДА

Кўпгина спорт турлари қатори академик эшкак эшиш бўйича ҳам терма жамоамиз вакиллари Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги олимпия ўйинларига қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Айни дамда вакилларимиз Португалияда ўқув-йиғин машғулотини ўтказишмоқда. Торрао шаҳрида ўтаётган йиғинда асосан спортчиларимизнинг жисмоний ва техник тайёргарлигига эътибор қаратилмоқда. Одатда қиш мав-

сумида совуқ об-ҳаво сабаб тайёргарлик кўриш учун бир оз қийинчиликлар пайдо бўлишига қарамай, бу шаҳардаги мўтадил иқлим ва сувнинг илқ ҳарорати машғулотлар ўтказишга қулай шароит яратди.

Вакилларимиз йиғин доирасида кичик халқаро мусобақада ҳам ўз омадларини синаб кўришни мақсад қилишган. Португалияга йўл олган етти нафар спортчига Ш.Ғаниев ва И.Ғаниевалар мураббийлик қилишмоқда. Бу сафарги йиғинга Ш.Холмирзаев, Д.Орипов, Л.Фофурбоева, Р.Умаралиев каби иқтидорли эшкак эшувчилар ҳам жалб қилинди.

Ботир ХҲАЕВ

ОЛИМПИАДАГА ИККИНЧИ ЙЎЛЛАНМА

Бельгиянинг Антверпен шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Раъноҳон Омонова муваффақиятли иштирок этиб, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун белгиланган меъъри бажарди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасидан маълум қилинишича, 400 метр масофага комплекс усулда сузиш баҳсларида Р.Омонова 4 дақиқа 40,71 сония натижага қайд этган.

Тажрибали спортчимиз 2015 йили Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган Гран-при турнирида 200 метр масофага комплекс усулда сузиш баҳсларида ҳам муносиб қатнашиб, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган эди.

Бугунги муваффақиятдан кейин Раъноҳон 2016 йилининг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида бир йўла икки йўналиш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Айни пайтда йигирма саккиз нафар спортчимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритган. Йўлланмалар йўналидиган асосий баҳслар ҳали олдинда.

(ЎЗА)

ФИФА ташаббуси билан 16-19 февраль кунлари Испаниянинг Севилья шаҳрида инструкторлар учун ўқув-семинари уюштирилади.

ҲАМЮРТИМИЗ ИСПАНИЯГА БОРАДИ

Унда барча футбол конфедерацияларидан инструкторлар иштирок этишади. Осий футбол конфедерациясидан эса семинарда 11 нафар вакил қатнашади. Эътиборлиси, осийлик 11 нафар инструкторлар орасида ҳамюртимиз ФИФА инструктори Фарҳод Абдуллаев ҳам бор.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Айни кунларда янги футбол мавсумига БААда тайёргарлик кўраётган "Пахтакор" ҳамда "Локомотив" жамоалари назорат-ўртоқлик баҳсларида иштирок этишди.

"Пахтакор" "Дибба Фужайра" жамоасига қарши уюштирилган беллашуви 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Ҳамшаҳарларимизга галаба келтирган ҳар икки голга Станислав Андреев муаллифлик қилди.

БАА биринчи дивизиони вакили — "Дубай"га қарши кечган иккинчи ўртоқлик учрашувида пахтакорчилар 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди.

Шунингдек, БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этаётган "Локомотив" жамоаси дастлабки ўртоқлик учрашувида Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" командаси билан куч синашди. Қизикarli ва муросасиз курашлар остида кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. 90 дақиқа давом этган ўйинда ҳисоб очилмади. 0:0.

Яқиндагина "Бунёдкор" жамоаси ҳам ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш учун БААга сафар қилган эди. Ушбу сафар олдида "Бунёдкор" Тошкентда "Бухоро" клубига

қарши ўтказилган ўртоқлик баҳсида иштирок этди. Тошкентликларнинг устуниги остида кечган беллашу 3:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимизнинг галабаси билан якунланди. Рақиб дарвозасини Шахзодбек Нурматов, Анвар Ражабов ва Дилшод Жўраев аниқ нишонга олишди.

Жорий йилда олий лигада ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган пойтахтимизнинг янги вакили "Обод" жамоаси Муборакнинг "Машъал" клубига қарши икки марта уюштирилган ўртоқлик учрашувида омадини синаб кўрди. Дастлабки баҳсда Санжар Қодиркулов томонидан дарвозага киритилган ягона гол "Обод"га 1:0 ҳисобидаги галабани тақдим этди. Муборакликларга қарши кечган иккинчи учрашуда ҳам "Обод" футболчилари ишончли ҳаракат қилишди. Натижада беллашу 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

БОЛАЛАРГА БЕЪТИБОР БЎЛМАНГ!

Кунларнинг бирида ишдан келсам, қизим қўшнимизнинг боласи сариқ касал бўлганини айтиб қолди. Рўзгорчилик, қўшнимизнига бир-икки ул-бул сўраб чиққанимда, ҳовлининг тартибсизлигига гувоҳ бўлганим эсимга тушди. Жўраги бузилган водопроводдан оқаётган сувнинг исроф бўлишига бир ачинсам, стол устида ювиламанга камида бир ҳафта бўлган идиш-товоқларни кўриб, кўнглим озғанди... Орадан бир неча кун ўтиб, қўшнимнинг иккинчи фарзандида ҳам шу касаллик аломатлари аниқлангани маълум бўлди.

Охири вақтларда кишиларни ташвишга солаётган юқумли гепатит касаллиги тўғрисида ОАВда кўплаб баҳс-мунозаралар олиб борилмоқда. Маълум бўлишича, гепатит (сарик) касаллик ўткир юқумли касаллик бўлиб, организмга жойлашиб олган касаллик вируси аввало жигарни зарарлар экан. Бугунги кунда гепатит кўзгатувчи А, В, С, Е ва дельта гепатит кўзгатувчилари аниқланиб, инсонлар аксари ҳолларда А ёки В гепатити билан касалланади. Гепатитнинг А тури 14 ёшга бўлган болалар ўртасида кўпроқ учраб, бунда касаллик кўзгатувчилар асосан бемор кишилар ҳисобланар экан. Болаларда ҳасталик аломатлари содир бўлганда, ота-оналар беътибор бўлмай, зудлик билан шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Акс ҳолда, бемор ўзидаги

вирусларни атрофдагиларга юктириб, касаллик тарқалишига сабабчи бўлишади.

Ўзингизни ёхуд фарзандларингизни шифокор текширувидан ўтказинг. Сўнг сиз ва яқинларингизда гепатит аломатлари йўқлиги аниқ бўлса, ўта хавfli саналадиган ушбу касалликдан ҳимояланг. Ҳимояланишнинг ягона ва энг самарали усули вакциналаш (эмлаш)дир. Сизнинг бу ишингиз оилангиз, қўни-қўшни, маҳаллангиз саломатлиги ва хотиржамлиги кафолатидир. Саломатлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутманг!

Гулноза АЛИМОВА,
Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежи "Ҳамширалик асослари" фани ўқитувчиси

Аёлларни уйимиз фариштаси, дея таърифлаймиз. Улар шайнинг самимий гапларини айтади. Ардоқлаймиз ҳамда эъзозлаймиз. Айтиш керакки, хотин-қизларимиз бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиб, тараққиётимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Аммо уларнинг баъзи бирлари ноҳўя ишларга қўл уришиб, сўнг афсус чекишмоқда. Саида Ботирова (исм-фамилия ўзгаририлган) ўтган йили октябрь ойида пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 4-сонли туманлараро Тери-таносил касалликлари диспансери шифокор-дерматологи А.Ҳошимов қабулига келди.

Негадир сочларини тўкилиб кетяпти, дори ёзиб берсангиз, — дея илтимос қилди Саида Ботирова.

Табиийки, шифокор уни тиббий кўриқдан ўтказиб, витамин дорилар тавсия қилди. Саида Ботирова шифокор қабулидан чиқаркан, миёсига келган фикрдан кўзлари чакнаб кетди. "Боплаб бир туширсам-чи, анча-мунча пул ишлаб олишим мумкин". У шундай ҳаёлда А.Ҳошимовдан товламачилик йўли билан пул ундирмоқчи бўлди.

Товламачи ғаразли ниятини амалга ошириш учун унинг уяли телефонида бир неча марта кўнгирик қилиб, СМС хабар ҳам жўнатди.

Шифокор танг вазиятга тушиб қолди. Ахир, дориларни тўғри ёзиб берган бўлса, қандай қилиб унга пул бериши керак?! Саида Ботированинг тухмат қилаётганлигини тегишли жойга маълум қилди.

Ўтказилган тезкор тадбирда Саида Ботирова шифокордан товламачилик йўли билан 300 минг сўмини олаётган пайтда қўлга тушди.

Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ, суд Саида Ботировага оид жиноят ишини унинг айбллик масаласини ҳал қилмай туриб, ҳаракатдан тугатди.

Жасур САФАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 16 февраль кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 9 март кунги 1-1476/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кулолқўрғон 6-тор кўчаси, 44-уйда жойлашган, умумий майдони 170,26 кв.м., яшаш майдони 140,61 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи 125 000 000 сўм.

2016 йил 1 март кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан, 2013 йил 24 сентябрь кунги ЖСХ-1-380/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 156А-уйда жойлашган, умумий майдони 12,11 кв.м. бўлган, 38-сонли савдо дўкони. Бошлангич нархи 89 050 887 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 156А-уйда жойлашган, умумий майдони 17 кв.м. бўлган, 11-12-сонли савдо дўконлари. Бошлангич нархи 90 627 680 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий ва Заргарлик кўчалари кесишмасида жойлашган, умумий майдони 29 кв.м. бўлган бекат мажмуасидаги дўкон. Бошлангич нархи 33 337 609 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижросчилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капитал-банк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кў., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Сергели Политехника касб-хунар коллежи хўжалик ишлари бўйича директор ўрибосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари олий маълумот, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига.

Танловда қатнашиш учун топшириладиган ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлимига Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 25 мартда берилган 257п-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 28 январь кун ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Фардан секундида 5-10 метр тезликда, айрим жойларда кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифросланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй